


Нубувват хонадонидан муҳаббат қиссаси (иккинчи мақола)



09:00 / 11.12.2021 2023

Абу Ос сафардан қайтганида аёли Зайнаб унга янги дин хабарини берди: «Хожам, биласиз, мен сизни жуда ҳам ҳурмат қиламан, яхши кўраман. Сиз ақл-идроки ўткир одамсиз. Отамни яхши биласиз, ўта ростгўй, олийжаноб инсонлар, ҳаргиз ёлғон гапирмаганлар. Аллоҳ у зотни охирзамон пайғамбари қилиб сайлади, ваҳий нозил бўлмоқда. Биз, онам, сингилларим – барчамиз отамнинг пайғамбарликларига иймон келтирдик. Сиз ҳам мусулмон бўлсангиз, бахтимиз яна ҳам мукамал бўлар эди, икки дунёда саодат қучардик», деди. Абу Ос бироз аччиқлангандек бўлди-ю, ўзини тўхтатиб, босиқ овозда бундай жавоб берди: «Биламан, отангиз ҳеч ёлғон сўзламаганлар. Бутун қавм у кишини энг ишончли одам деб билади. Мен у кишини ёлғон даъво қилмоқда, дея олмайман. Аммо одамларнинг «Отабобосининг динидан қайтиб, хотинининг динига кирибди», дейишларини кўтара олмайман. Бу менга тўғри келмайди. Сизнинг ихтиёрингиз ўзингизда, менинг қаршилигим йўқ. Лекин иккимизнинг айри эътиқодда бўлишимиз орамизни бузмайди деб умид қиламан», деди. Зайнаб эрини тўғри тушунди, унга бўлган эҳтирому муомаласини заррача ўзгартирмади ва дилдан унга ҳидоят сўрашда давом этди.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг даъватлари аста ёйилиб, одамларнинг қалбини бирма-бир ром этиб борган сари Макка зодагонларининг қаршилиги кучайиб борди. Яқиндагина у зотнинг қизларини келин қилиш

илинжида ҳеч кимга йўл бермай, қўярда-қўймай қўл қоққан амакилари Абу Лаҳаб энди энг катта душманга айланган эди. У ўғиллари Утба билан Утайбага: «Муҳаммаднинг қизларини талоқ қиласизлар, токи у ўзи билан, оилавий ташвиши билан овора бўлиб қолсин», деб буюрди. Улар бу гапни сўзсиз қабул қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизларини талоқ қилганларини эълон қилишди. Бу ҳам у зотга кутилмаган зарба бўлди.

Абу Лаҳабнинг ўғиллари қилган беандишаликдан руҳланган мушриклар Абу Оснинг олдига келиб, «Сен ҳам Муҳаммаднинг қизини талоқ қил, биз сенга Қурайшнинг қизларидан хоҳлаганингни, энг гўзалини ўзимиз олиб берамиз», деб роса қисташди. Лекин Абу Ос қатъият билан: «Асло, мен жуфти ҳалолимни ҳеч бир аёлга алмаштирмайман. Менинг маҳбубамни бошқа биров хотин қилишига ҳаргиз йўл қўймайман», дея рад жавоб берди.

Шу орада Абу Ос билан Зайнаб ўғил кўрдилар. Унга Алий деб исм қўйишди. Орадан кўп ўтмай, қизлик ҳам бўлиб, уни Умома деб номлашди. Эр мушрик, хотин муслима бўлса-да, ораларидаги муҳаббат сўнмаган, бир-бирларини ниҳоятда эҳтиётлашар, ҳурмат қилар эдилар. Айниқса, Зайнаб турмуш ўртоғининг ҳидоят топиши умидида кўз ёш билан тўхтовсиз дуо қилар, отасидан маслаҳатлар олар, қўлидан келган барча чорани кўриб борар эди. У эрининг мусулмон бўлиши илинжида унга янада меҳр кўрсатар, гўзал ахлоқу ширин муомаласи билан уни Исломга даъват қилар эди. Қўполлик, дағаллик, манманлик каби иллатлар унинг табиатида йўқ эди.

Зайнаб йигирма ёшида оғир жудоликка учради: онаси бироз беморликдан сўнг оламдан ўтди. Бу айрилиқ нафақат Зайнаб, балки ўша пайтдаги бутун мусулмон уммати учун катта мусибат бўлди. Мўминлар ўзларининг энг меҳрибон ҳомийлари, Пайғамбарларининг суянчиғи бўлган жуфти ҳалолларидан, маънавий оналаридан айрилишди. Айниқса, Зайнаб онасига жуда ҳам суянар эди. У оилапарварликни, эрга вафо ва садоқатни айнан онасидан ўрганган эди. Қачон бирор муаммога дуч келса, онасидан маслаҳат олар, шу билан ҳаёт қийинчиликларини осонлик билан енгиб борар эди. Мусулмон бўлмаган эр билан қандай муносабатда бўлиш, оилани қандай қилиб асраб қолиш борасида ҳам унга кўпроқ онаси йўл-йўриқ кўрсатиб турар эди. Энди эса унинг ана шундай самимий, дардқаш, оқила маслаҳатгўйидан айрилган эди.

Макка мушрикларининг зулми ортиб, мусулмонлар учун у ерда яшаш хатарли бўлиб қолди. Айни пайтда Ясрибдаги мўминлар динқардошлари учун бағирларини очиб, уларни ўз юртларига таклиф қилаётган эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга Ясрибга ҳижрат қилишни буюрдилар. Мусулмон оилалар бирин-кетин йўлга тушишди. Зайнаб яна икки ўт орасида қолди. У отасининг олдига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, отажон, сиз мусулмонларга Ясрибга ҳижрат қилишни буюрибсиз. Мен-ку амрингизга сўзсиз итоат этгум. Лекин ўзингиз биласиз, эрим мусулмон эмас, у боргани кўнмайди. Агар рухсат берсангиз, мен эрим ва болаларим билан шу ерда қолсам», деди. Ҳикмат соҳиби бўлган меҳрибон ота: «Майли, қизим, сиз оилангиз билан бўлинг, аммо ўзингизни эҳтиётланг, иймонда собит туринг», деб қизга далда бердилар.

Зайнаб барча яқинларию диндош дугоналарини кузатиб, оиласи билан Маккада бир ўзи қолди. У эрининг муруввати ва муҳаббатига вафо қилишни ўзининг бурчи деб билди. Эри мушрик бўлса-да, унинг яхшиликларини қадрлашни истади, бунинг учун ҳар қандай машаққатни кўтаришга тайёр турди. У бир тарафдан динқардошларидан айрилиб ёлғизланган бўлса, иккинчи тарафдан мусулмонларга нисбатан буғзу адовати тўлиб-тошган қавмнинг ичида уларнинг таънаю маломатларига нишон бўлар эди. Бироқ, Аллоҳга иймону ишончи ва жуфти ҳалолига бўлган муҳаббату садоқати туфайли уни ҳеч бир қийинчилик енга олмас эди. Оиласини бус-бутун кўриб туришнинг ўзи унинг учун энг катта юпанч ва таянч эди.

Мусулмонлар Ясрибга боргач, у ерни Мадина деб номладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ Ислом жамияти кун сайин тараққий этиб, кучланиб борар эди. Бундан ғазабланган Макка мушриклари юртдан чиқиб кетган мусулмонларни минг турли айблар билан айблаб, ҳақсиз деб эълон қилишди ва уларнинг Маккадан қолган мол-мулклари, уй-жойларини мусодара қилиб, савдо карвонига қўшиб юборишди. Карвон Шомга бориб-келишда Мадина яқинидан ўтар эди. Ҳодисалардан хабар топган мусулмонлар карвонни қўлга киритиб, ўз мулкларини тортиб олиш ниятида Бадр деган жойга чиқишди. Уларнинг ҳаракатлари ҳақида эшитган Макка мушриклари эса мингга яқин жангчидан иборат қўшин тузиб, катта тайёргарликлар билан Мадина томон йўлга тушишди. Қўшин ичида мусулмонларга нисбатан адовати бўлмаган кишилар ҳам, ҳатто иймонини яшириб юрган Аббос ибн Абдулматталиб ҳам бор эди. Бироқ улар Қурайш раҳбариятининг буйруғидан ташқари чиқа олишмас эди. Абу Ос ҳам қайнотаси билан жанг қилишни сира истамаса-да, қавмдан ажрай олмаганидан, ҳарбий мажбурият бўлганидан мушриклар билан бирга бориши керак эди.

Ҳаммадан ҳам Зайнабга қийин бўлди. Бир томонда меҳрибон отаси, иккинчи тарафда маҳбуб эри. Энди улар бир-бирига қарши жанг қилишади. Зайнаб остонада ёрини жангга кузатиб қолар экан, қизалоғига қараб, «Қизим, эртага ё сен етим бўласан, ё мен етим бўламан», деб йиғлар эди. Абу Ос оиласи билан хайрлашар экан, отни қамчилаганча йўлга равона бўлди.

Мусулмонлар аслида жанг қилмоқчи эмас эдилар. Улар мол-мулкларини қайтариб олишмоқчи эди, холос. Бу орада карвон бошқа йўл топиб, мусулмонларнинг ҳужумидан қутулиб ҳам улгурди. Бироқ Макка мушриклари ўзларининг ҳарбий қувватига ишониб, ўзларидан уч баравар кам ададдаги мусулмонларни бир ҳамла билан йўқ қилиб, биратўла улардан қутулиш мақсадида жанг қилишга қарор этишди. Улар буни жуда ҳам қулай фурсат деб фаҳмлашди. Мусулмонлар учун жанг қилишдан бошқа чора қолмади.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам маккалик муҳожирлар ва мадиналик ансорийлардан иборат 313 кишилик қўшин билан жангга ҳозирлик кўрдилар. У зот мусулмонларни урушга тайёрлаш билан бирга, Аллоҳ таолога қаттиқ ёлвориб дуода бўлардилар. Ҳатто қаттиқ илтижо қилиб, «Аллоҳим, агар бу жамоа ҳалок бўлса, ер юзида Сенга ибодат қиладиган киши қолмайди», деб йиғладилар. Дуолар қабул бўлди, осмондан фаришталар тушди, жангда мусулмонлар ғолиб бўлишди. Жангнинг табиати шу – кимдир ютади, кимдир ютқазади. Урушда мусулмонлардан 14 киши шаҳид бўлди, мушриклардан эса 70 киши ўлдирилди ва шунча одам асир тушди.

Абу Ос жангда мушриклар билан бирга бўлса-да, биронта мусулмонга қурол ўқталмади, ҳеч кимни ўлдирмади, ўзини бошқа вазифалар билан банд қилди. Балки шунинг учундир, у ҳам асирлар ичидан жой олди.

Мусулмон жамияти у пайтда энди барпо бўлган, иқтисодий ва илмий салоҳият жиҳатидан ҳали заиф эди. Шу боис, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асирларни озод қилиш учун иккита шартдан бирини бажаришни талаб қилдилар. Биринчиси – хат билганлар мусулмон фарзандларидан ўнтасига ўқиш-ёзишни ўргатиш, иккинчиси – товон пули тўлаш эди.

Маккаликлар ўз яқинларини озод қилиш учун товон пули юборадиган бўлишди. Зайнаб эри асир тушганидан биров маҳзун бўлса-да, отаси ҳам, эри ҳам талафот кўрмаганидан хурсанд эди. Бироқ уйда товон тўлашга

арзулик ортиқча нарса йўқ эди. У онаси никоҳ кечаси бўйнига тақиб қўйган маржонни беришга мажбур бўлди. Онасидан ёдгорлик ўлароқ бу маржонни қанчалар қадрламасин, эрига бўлган муҳаббати олдида бунга ўхшаган қимматбаҳо тақинчоқлардан мингтасини беришга тайёр эди. У маржонни бир қутига солиб, эрининг укаси орқали Мадинага юборди.

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

«Ҳилол» журналининг 11(32) сонидан